

ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ВА ТИЛИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ

С.Жалилов,

Нукус ДПИ ўзбек тили кафедраси

Маълумки, 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонуни қабул қилинди. Қонун қабул қилинишининг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор эди, албатта. Собиқ иттифоқ даврида барча халқларнинг тили каби ўзбек тилининг ҳам қўлланиш доираси ниҳоятда чегаралаб қўйилди. У деярли оила тилига, ўзаро мулоқот тили сифатидагина қўлланла бошлаган эди. Илм-фан, илмий тадқиқотлар, ҳужжатчилик тили ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тили сифатида рус тилининг мавқеи биринчи даражали тил сифатида улуғланди ва барчанинг бунга амал қилиши талаб этилди. Аниқки, бу нарса миллат тарихи ва маънавиятини, маданиятини, миллий кадриятларини йўқ қилиб, охир-оқибат манқуртликни келтириб чиқарадиган жараён эди. Бунга узоқ ўтмиш тарихимизда ҳам юзлаб мисоллар бор. Маърифатпарвар ижодкор ва педагог Абдулло Авлонийнинг ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти унинг тили ва адабиёти эканлиги унутила бошлаган эди.

Айнан собиқ иттифоқ даврида қабул қилинган Қонун эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Бугун Ўзбекистонда «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёв ўзбек тили мавқеи ва нуфузини янада ошириш бўйича қатор ҳужжатларга қўл қўйдилар. 2019 йил 20 октябрда «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонида биринчидан, 21 октябрь санасини «Ўзбек тили байрами куни» деб эълон қилишни таклиф қилдилар. Шунингдек, ўзбек тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш, давлат тилини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга

киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратдилар. Таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш, давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар тилларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш каби жиҳатлар фармоннинг туб моҳиятида акс этди.

2020 йил 20 октябрда қабул қилинган «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» РҒ-6084-сон фармон асосида 3 та илова акс этган. Яъни 2020 – 2030 йиллар давомида тилни ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш харитаси аниқ ишлаб чиқилган. Унинг 1-илоvasи 2020 – 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини шакллантириш концепцияси, 2-иловада «2020 – 2030 йилларда тилни ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2020 – 2022 йилларда амалга ошириш дастури, 3-иловада эса 2020 – 2030 йилларда тилни ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари акс эттирилган. Ана шу муҳим талаблар асосида давлатимиз тилшунослари томонидан аниқ белгиланган режа асосида ижобий ишлар амалга оширилмоқда, дейиш мумкин.

Аmmo ҳали ечимини кутаётган долзарб масалалар борлиги барчага аён ҳақиқат. Уларни изчиллик билан ривожлантириб бориш, аввало, мактаб бўсағасидан бошланиши керак. Бола мактаб бўсағасига кириб бориши билан у қандайдир бир иккинчи тилга дуч келгандай бўлади. Чунки у оилада, кўчада дўстлари билан бирга ўз шевасида, бошқача айтганда, ўзи билган тилда гаплашади. Бу ерда ўқитувчиларнинг зиммасига кўп иш юкланади ва ундан юксак маҳорат талаб қилинади. Маълумки, ўзбек тили жуда кўп шевали тил. Мактаб дарсликлари ва адабиётлари адабий тил меъёрлари асосида ёзилади. Болага шева ва адабий тил сўзларини қиёслаб ўргатишига тўғри келади. Биз Нукус шаҳридаги кўплаб мактаблар билан ишлашамиз, яъни амалиётга чиқамиз. Фан ўқитувчилари билан суҳбатлашганимизда, дарсликлар етарли эқанлиги, бироқ методик қўлланмалар, ўқитиш усуллари бўйича адабиётлар, қўшимча манбалар камлигини билдирадилар. Чунки ёш ўқитувчилар бундай адабиётларга зарурат сезади. Президент фармонида ҳам ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган

Сир эмас, бугунги кун ёшларининг тили жуда ғариб. Улар кўплаб сўзларнинг асл маъносини, қўллаш доирасини етарли билмайдилар. Мактабларда ўқувчиларда тилга қизиқиш, унинг таъсирли кучидан баҳраманд бўлиш механизимини ишлаш керакдир. Дейлик, мактаб коридорига ҳар ҳафтада янгилаиб турадиган эски ва янги сўзларнинг маъноси, изоҳини билдирувчи бурчак ташкил қилиш ёки «Энг китобхон ўқувчи» танлови ташкил қилиб рағбатлантириб бориш мақсадга мувофикдир. Шунингдек, радио, телекўрсатувлар дастурига «Тилимизнинг тилла сандиғи», «Сиз янги сўзлар маъносини биласизми?» каби қисқа чиқишлар киритишми, хуллас, таъсир доираси кенг бир йўлини ахтариш керак.

Адабиётлар:

1. PF 5850. «O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida». Toshkent, 2019.
2. PF 6084. «Mamlakatimizda o‘zbek tilini yanada rivojlantirish va til siyosatini shakllantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida». Toshkent, 2020.
3. Gulmirza, K., & Sadaddin, J. (2023). Amaliy o‘zbek tili. Nukus “Nur-Turan-Print, 202.
4. Gulmirza, K., & Sadaddin, J. (2023). Practical Uzbek language. Nukus" Nur-Turan-Print.
5. Хусусий корхона ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. -Тошкент, 2003.
6. Xudayarova, M., & qizi Usanova, Q. M. (2023). O ‘ZBEK, RUS VA QORAQALPOQ TILLARIDA OTLARNING KELISHIK KATEGORIYALARI. CHIQISH KELISHIGI QIYOSI. GOLDEN BRAIN, 1(4), 62-66.
7. Usanova, Q., & Xudayarova, M. (2023). O ‘ZBEK, RUS VA QORAQALPOQ TILLARIDA OTLARNING KELISHIK KATEGORIYALARINING QIYOSIY TADQIQI. Евразийский журнал математической теории и компьютерных наук, 3(6), 54-56.
8. Xudayarova, M., & Usanova, Q. (2023). “BOBURNOMA”–TARIXIY MANBA SIFATIDA. Академические исследования в современной науке, 2(4), 24-27.